

**БИР ФОТОНЛИ ЭМИССИОН КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯНИ ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ
ФОЛЛИКУЛЯР САРАТОНИ ТАШХИСТИДАГИ ЎРНИ**



Нурмухамедов Дониёрбек Бахтиёрович, Хайдарова Феруза Алимовна

Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

**РОЛЬ ОДНОФОТОННОЙ ЭМИССИОННОЙ КОМПЬЮТЕРНОЙ ТОМОГРАФИИ В
ДИАГНОСТИКЕ ФОЛЛИКУЛЯРНОГО РАКА ЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ**

Нурмухамедов Дониёрбек Бахтиёрович, Хайдарова Феруза Алимовна

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эндокринологии имени акад. Ё.Х. Туракулова, Республика Узбекистан, г. Ташкент

**THE ROLE OF SINGLE PHOTON EMISSION COMPUTED TOMOGRAPHY IN THE DIAGNOSIS
OF FOLLICULAR THYROID CARCINOMA**

Nurmukhamedov Doniyorbek Bakhtiyorovich, Khaidarova Feruza Alimovna

Republican Specialized Scientific-and-Practical Medical Centre of Endocrinology named after academician Yo.Kh.Turakulov, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: androlog7@gmail.com

Резюме. Қалқонсимон без фолликуляр саратонини аниқлаш муваммоси ҳозирги тиббий амалиётда кимта аҳамият қасб этмоқда, чунки у клиник ва цитологик жиҳатдан аденоамаларга жуда ўшиша бўлиб, кўп ҳолларда факат гистологик текширувларда тасдиқланади. Радионуклидли диагностика, хусусан, бир фотонли эмиссион компьютер томографияси (БФЭКТ/КТ), фолликуляр саратонларни эрта ва аниқ ташхис қилишида истиқболли усул сифатида кўриб чиқилмоқда. У метаболик фаолликни баҳолаши, функцияси бузилган тўқималарни аниқлаши ва ҳудудий тарқалиши ҳолатини баҳолаши имконини беради. Мазкур тадқиқотда академик Ё.Х. Туракулов номидаги РИЭИАТМ клиникасида 2021–2022 йиллар мобайнида таҳлил қилинган беморлар маълумотлари асосида БФЭКТ/КТ усулининг қалқонсимон без фолликуляр саратонини ташхис қилишидаги самарадорлиги баҳоланди. Ушбу усулининг ултратавуш текшируви (УТТ), ингичка игнали аспирацион биопсия (ИИАБ) ва гистология билан таққосланган ҳолда сезигирлиги, аниқлиги ва клиник қиймати таҳлил қилинди.

Калим сўзлар: фолликуляр қалқонсимон без саратони, бир фотонли эмиссион компьютер томографияси (БФЭКТ/КТ), радионуклид диагностика, тугунили бўқоқ, гистологик хулоса, УТТ, ИИАБ.

Abstract. The diagnosis of follicular thyroid carcinoma (FTC) remains a major challenge in clinical endocrinology, as this malignancy often mimics follicular adenoma both clinically and cytologically, with definitive confirmation typically requiring histological analysis. Radionuclide imaging, particularly single photon emission computed tomography (SPECT/CT), is emerging as a promising modality for the early and accurate identification of follicular thyroid neoplasms. SPECT/CT enables assessment of metabolic activity, detection of functionally altered tissues, and evaluation of potential regional spread. This study evaluates the diagnostic performance of SPECT/CT in the detection of FTC based on data from patients examined at the RSSMPC of Endocrinology named after academician Yo.Kh. Turakulov between 2021 and 2022. The findings are compared with ultrasound (US), fine-needle aspiration biopsy (FNAB), and postoperative histological verification. The results demonstrate the clinical utility of SPECT/CT as a supplementary tool in the diagnostic algorithm, particularly for cases with inconclusive cytology or intermediate-risk ultrasound features.

Key words: follicular thyroid carcinoma, single photon emission computed tomography (SPECT/CT), radionuclide diagnostics, nodular goiter, histological verification, ultrasound examination (US), fine-needle aspiration biopsy (FNAB).

Долзарблик. Қалқонсимон без фолликуляр саратони (ҚБФС) — дифференцияланган қалқонсимон без ўсмаларининг нисбатан кам учрайдиган, бироқ клиник жиҳатдан муҳим

шакли бўлиб, барча қалқонсимон без қаторасида тахминан 10–15% ни ташкил этади [1,2]. Унинг клиник, ултратавуш ва цитологик белгилари фолликуляр аденоамалар билан юкори даражада

ўхшашлиги сабабли, аниқ ташхис кўп холларда фақат гистологик таҳлилдан кейингина белгиланади [3]. Таъкидлаш лозимки, стандарт визуализация усуллари — ултратовушли текширув (УТТ) ва ингичка игнали аспирационя биопсия (ИИАБ) фолликуляр ўсмаларни аденоидан фарқлашда етарли аниқликни таъминламайди [4]. Шу муносабат билан, ноинвазив, метаболик фаолликни баҳоловчи усулларга — хусусан, бир фотонли эмиссион компьютер томографиясига (БФЭКТ/КТ) қизиқирик ортаётир. Ушбу метод хужайра фаоллигини акс эттириш, тўқима структурасидаги функцияси бузилган соҳаларни аниқлаш ва потенциал метастазларни баҳолаш имконини беради [5,6]. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, БФЭКТ/КТ нафақат функционал ўзгаришларни баҳолаш, балки фолликуляр саратонга хос бўлган метаболик ўчокларни ҳам қайд этишда самарали ҳисобланади. Масалан, Tc99-пертехнетат ва I-131 изотоплари асосида олиб борилган БФЭКТ/КТ тадқиқотлари ҚБФСни юқори сезгирик билан аниқлашда истиқболли усул сифатида кўрилмоқда [7,8]. Ушбу ҳолатлар, шунингдек Республикада фолликуляр саратоннинг эрта аниқланиши, хатоларни камайтириш ва муолажа тактикасини тўғри йўлга кўйиш заруратидан келиб чиқиб, ушбу тадқиқотнинг ўта долзарблигини асослаб беради.

Максад. Қалқонсимон без фолликуляр саратонини аниқлашда бир фотонли эмиссион компьютер томографиясининг (БФЭКТ/КТ) ўрнини баҳолаш, унинг клиник, ултратовуш ва цитологик маълумотлар билан солиширгандан ташхисий аҳамиятини, сезгирик ва аниқлигини аниқлаш ҳамда ушбу усулни жаррохлик амалиётидан олдинга текширув жараёнида самарали қўллаш имкониятларини ўрганиш.

Материал ва усуллар. Тадқиқот 2021–2022 йиллар давомида Ё.Х. Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭИАТМ) клиникасида амалга оширилди. Унга қалқонсимон без саратонина шубха қилинаётган тугунли бўқоқ ташхиси қўйилган 109 нафар бемор жалб этилди. Барча bemорларда БФЭКТ/КТ текшируви ўтказилди. Бирфотонли эмиссион компьютер томографияси 16-кесимли AnyScan Mediso (Венгрия) тиббий ускунасида амалга оширилди. Радиофармпрепарат сифатида Tc99m-пертехнетат қўлланилди. Препарат дозаси ҳар бир bemор учун ўртача 200–300 MBq микдорида юборилди. Радиофармпрепарат веноз йўл билан юборилгандан сўнг, 20 дақиқа ўтиши билан сканерлаш жараёни бошланди. Текшириш майдони бўйин ва кўкрак соҳасини қамраб олди.

Текширув натижалари БФЭКТ/КТ тасвиirlари асосида таҳлил қилинди ва УТТ, ИИАБ ҳамда гистологик холосалар билан таққослаб баҳоланди.

Маълумотларни таҳлил қилиш StatTech v. 4.8.5 (ООО "Статтех", Россия) дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилди. Соний ўзгарувчиларнинг тақсимотининг нормаллик даражаси Шапиро–Уилк мезони ҳамда асимметрия ва экссес кўрсаткичлари асосида текширилди. Соний маълумотлар медиана ва квартиллар оралиғи (Me [Q_1 ; Q_3]) кўринишида, категорияли ўзгарувчилар эса мутлақ сонлар ва фоизлар (%) кўринишида ифодаланди. Мустақил танламалар ўртасидаги соний ўзгарувчиларнинг фарқларини баҳолаш учун Манн–Уитни мезони қўлланилди, кўп карра солиширишда Бонферрони тузатмаси билан. Категорияли ўзгарувчилар бўйича улушлар фарқини баҳолашда аниқ Фишер мезони ишлатилди. Агар боғланган танламаларда соний ўзгарувчилар таҳлил қилинса, Фридман мезони ва post-hoc таҳлил кўп карра солишириш учун мос тузатма билан қўлланилди. Ўзгарувчилар ўртасида боғланиш даражаси Спирман ранговий корреляция коэффициенти орқали баҳоланди, зарурат туғилганда эса чизиқли ва логистик регрессия таҳлил усуллари ишлатилди. Улушлар учун ишончли интерваллар Клоппер–Пирсон усули орқали ҳисоблаб чиқилди. Кўшимча равиша тақсимотнинг нормаллигини баҳолаш Колмогоров–Смирнов мезони ёрдамида ҳам текширилди.

Натижа ва муҳокама: Статистик таҳлил StatTech v. 4.8.5 дастурий таъминоти (ишлаб чиқарувчи — "Статтех" МЧЖ, Россия) ёрдамида амалга оширилди. Соний ўзгарувчиларнинг тақсимоти нормалликка мослигини баҳолаш учун Колмогоров–Смирнов мезони қўлланилди. Агар тақсимот нормалликдан четга чиқсан бўлса, маълумотлар медиана (Me) ва квартиллар оралиғи (Q_1 – Q_3) кўринишида тасвиirlанди. Категорияли ўзгарувчилар мутлақ сонлар ва фоизлар (%), шунингдек Клоппер–Пирсон усули орқали ҳисобланган 95% ишончли интерваллар билан ифодаланди. Тадқиқотга қалқонсимон безда тугунли хосилаларга эга бўлган 109 нафар bemор жалб қилинди. Беморлар ёши 17 ёшдан 64 ёшгacha оралиқда бўлиб, медиана қиймати 36,0 ёшни ташкил этди, бу эса тадқиқотда асосан ёш ва ўрта ёшдаги шахслар устунлигини кўрсатади. Ёш бўйича квартиллар оралиғи 28,0 дан 48,0 ёшгacha бўлиб, бу тақсимотда ўртача вариативлик мавжудлигини англатади. Демак, танловнинг асосий қисми 50 ёшдан кичик bemорларга тўғри келади (1-жадвал).

Жадвал 1. Тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг ёшига доир тасвирий статистика

Кўрсаткич	Ме	$Q_1 - Q_3$	n	min	max
Ёш	36,0	28,0 – 48,0	109	17,0	64,0

Жадвал 2. Категорияли ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси: беморларнинг жинси ва яшаш худуди (n=109)

Кўрсаткичлар	Тоифа	Абс.*	%	95% ИИ**
Жинс	Эркак	2	1,8	0,2 – 6,5
	Аёл	107	98,2	93,5 – 99,8
Яшаш худуди	Тошкент	34	31,2	22,7 – 40,8
	Жиззах	26	23,9	16,2 – 33,0
	Қашқадарё	1	0,9	0,0 – 5,0
	Сурхондарё	3	2,8	0,6 – 7,8
	Самарқанд	3	2,8	0,6 – 7,8
	Бухоро	2	1,8	0,2 – 6,5
	Навои	4	3,7	1,0 – 9,1
	Хоразм	9	8,3	3,8 – 15,1
	Қорақалпоқистон	2	1,8	0,2 – 6,5
	Тошкент вилояти	8	7,3	3,2 – 14,0
	Сирдарё	1	0,9	0,0 – 5,0
	Наманган	4	3,7	1,0 – 9,1
	Фарғона	5	4,6	1,5 – 10,4
	Андижон	7	6,4	2,6 – 12,8

Изоҳ: *- беморлар сони; **- ишончлилик интервали


Жинсий тақсимотда аёллар сонининг кескин устунлиги кузатилди — 107 нафар (98,2%; 95% ишончли интервал: 93,5–99,8), холбуки эркаклар сони ҳаммаси бўлиб 2 нафарни (1,8%; 95% ИИ: 0,2–6,5) ташкил этди. Бу ҳолат қалқонсимон без қасалликларининг аёллар ўртасида кўпроқ учраши билан изоҳланиши мумкин, шунингдек, танлов хусусиятлари билан ҳам боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Беморларнинг худудий тақсимотини таҳлил қилиш шундан далолат бердики, энг кўп bemорлар Тошкент шаҳридан — 34 нафар (31,2%; 95% ИИ: 22,7–40,8), Жиззахдан — 26 нафар (23,9%; 95% ИИ: 16,2–33,0), Хоразмдан — 9 нафар (8,3%) ва Андижондан — 7 нафар (6,4%) ташриф буюришган. Қолган bemорлар Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Наманган, Фарғона каби худудларни ифодалайди, уларнинг танловдаги улуши 0,9% дан 4,6% гача бўлган. Шунингдек, bemорларнинг аксар қисми йирик шаҳарлар ва маъмурий марказлардан эканлиги, бу эса ушбу худудларда тиббий ёрдам ва диагностика имкониятларининг юқориrok даражада мавжудлиги билан изоҳланиши мумкин (2-жадвал).

Папилляр ва фолликуляр саратон, ҳамда қалқонсимон без ҳавфсиз тугунили хосилалари ўртасида тугун ўлчамида (мм) статистик


аҳамиятли фарқ аниқланди ($p = 0,009$). Қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, фолликуляр саратонда тугун ўлчами папилляр саратонга нисбатан сезиларли даражада каттароқ ($Me = 24,0$ мм) бўлган ($p = 0,011$). Тўқима зичлиги (Hounsfield бирлиқда, HU) ўртача қийматлар бўйича гурухлар орасида фарқ кўрсатмаган ($p = 0,060$), яъни зичлик кўрсаткичи турли морфологик шаклларни аниқ фарқлашда самарасиз бўлиши мумкин. Тугулардаги радиофармпрепарат (РФП) иғилиши бўйича таҳлилда фолликуляр саратонга эга тўқималарда тўпланиш даражаси папилляр саратонга нисбатан паст бўлгани аниқланди ($Me = 38,0$ counts, $p = 0,030$), бу фарқ статистик жиҳатдан ишончли бўлиб ($p = 0,026$), метаболик фаолликнинг турлича характеристини акс эттиради. Шунингдек, бутун без тўқимасидаги РФП тўпланиш даражаси ҳам фолликуляр саратон гурухда анча паст бўлиб ($Me = 167,0$ counts), папилляр саратон гурухга нисбатан кескин фарқ қилди ($p = 0,003$), ва ушбу фарқ ҳам ишончли статистик аҳамиятга эга бўлди ($p = 0,004$). Умуман олганда, фолликуляр РФП тўпланиши эса камрок экани билан ажralиб турди, бу уларнинг клиник ва метаболик хусусиятларидаги фарқларни кўрсатади (3-жадвал).

Жадвал 3. Қалқонсимон без фолликуляр саратонида патогистологик таҳлилга боғлиқ равишда тугун ўлчами, зичлиги ва РФП тўпланишининг тасвирий кўрсаткичлари


Кўрсаткич	Патогистологик хулоса			p
	Папилляр саратон	Фолликуляр саратон	Хавфсиз тугун	
Ўлчам (mm), Me [IQR]	19,5 [16,0; 23,0]	24,0 [19,0; 30,0]	21,0 [20,0; 22,0]	p=0,009 Фолликуляр p=0,011 Папилляр
Тугун зичлиги (Hu), M (SD)	55,5 (10,4)	49,4 (14,8)	55,5 (11,4)	0,060
Тугунда РФП тўпланиши (counts), Me [IQR]	47,0 [40,0; 52,2]	38,0 [27,0; 47,5]	43,0 [35,0; 52,0]	p=0,030 Фолликуляр p=0,026 Папилляр
ҚБ тўқимасида РФП тўпланиши (counts), Me [IQR]	265,0 [174,0; 299,5]	167,0 [130,0; 237,2]	245,0 [201,0; 255,0]	p=0,003 Фолликуляр p=0,004 Папилляр




Расм 1. Гистологик гурухларга қараб лимфаденопатия турларининг тақсимоти



Расм 2. Гистологик гурухларга қараб метастаз ҳолатларининг тақсимоти




Расм 3. Гистология билан таққосланган ҳолда қалқонсимон без тугунларини баҳолашда БФЭКТ/КТ усулининг ROC-анализи



Расм 4. EU-TIRADS тизими орқали қалқонсимон без тугунларини баҳолашда ROC-анализ

Қалқонсимон без тугунларининг гистологик турларига қараб бүйін лимфаденопатияси ва олис метастазларнинг учраш частотаси ва характеристика ахамиятлы фарқлар күзатылды. Папилляр саратони холатларыда лимфаденопатия сезиларлы даражада күпроқ қайд этилди (70%), айникса, юзаки (30,0%), чуқур (20,0%) ва түш орти (10,0%) лимфа тугунларига таъсир қылған. Бунга қарши равиышда, фолликуляр саратон холатларыда лимфаденопатия күпроқ марказий локализацияга

(пастки жағ ости — 4,5%) эга бўлиб, умумий холларда камроқ учради (28,8%). Хавфсиз гурухда лимфаденопатия ҳолатлари умуман қайд этилмади (яллиғланиш характеристига эга лимфаденопатия хисобга олинмаган). Бу фарқлар статистик жиҳатдан ахамиятли бўлиб, папилляр — фолликуляр саратон ($p = 0,004$) ва папилляр — хавфсиз ($p = 0,004$) гурухлар орасидаги фарқлар қайд этилди ($p < 0,001$). Олис метастазлар ҳам гистологик турларга қараб фарқ қылди.



Расм 5. Bethesda тизими орқали қалқонсимон без тугунларини баҳолашда ROC-анализ

Фолликуляр саратони холатларида ўпка (18,2%) ва сүяк (12,1%) метастазлари нисбатан кўпроқ кузатилган бўлса, папилляр саратон холатларида бундай метастазлар жуда кам қайд этилган (ҳар икки тур учун 3,3%). Хавфсиз холатларда олис метастазлар кузатилмади. Бу фарқ ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p = 0,023$) ҳисобланади. Ушбу натижалар лимфоген ва гематоген тарқалиш хусусиятларининг гистологик шаклга боғлиқлигини тасдиқлади (1,2-расм).

БФЭКТ/КТ усулининг гистологик хулосаларга нисбатан диагностик аниқлигини баҳолаш мақсадида ROC-анализ ўтказилди. Чизмада кўрсатилган ROC-эрги чизиги БФЭКТ/КТ тестининг хавфли тугунларни аниқлаш қобилиятини ифодалайди (3-расм).

Анализ натижаларига кўра:

- AUC (Area Under the Curve) қиймати 0.71 ни ташкил этди, бу эса ўрта даражадаги аниқликка далолат беради.
- Тестнинг сезгирилиги (sensitivity) – 81.3%
- Махсуслиги (specificity) – 61.5%

AUC ≥ 0.7 бўлиши, диагностик тестининг клиник амалиётда етарли даражада фойдали эканини кўрсатади. Аммо, ушбу натижаларга қараб, БФЭКТ/КТ усулини якка ҳолда эмас, балки бошқа диагностик усувлар (УТТ, ТАБ, цитология ва биомаркерлар) билан биргаликда баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Қалқонсимон без тугунларини баҳолашда EU-TIRADS (European Thyroid Imaging Reporting and Data System) классификациясининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ROC-анализ

ўтказилди. Унда ташхис кўйишдаги сезгирилик ва специфичлик даражалари баҳоланди (4-расм).

Анализ натижаларига кўра:

- AUC қиймати 0.69 ни ташкил этди. Бу EU-TIRADS классификациясининг ўртача аниқликка эга эканини кўрсатади.
- Тестнинг сезгирилиги (sensitivity) – 91.3%
- Махсуслиги (specificity) – 38.5%

Тестнинг сезгирилик ва специфичлик балансини аниқлаш орқали тугунларни хавф гурухларига ажратиш, ортиқча биопсияларни камайтириш ҳамда саралашни яхшилаш мумкин.

Bethesda тизими бўйича тугунларнинг цитологик баҳоси ва гистология орқали тасдиқланган ҳолатлар ўртасидаги мувофиқликни баҳолаш мақсадида ROC-анализ ўтказилди (5-расм).

Анализ натижалари куйидагиларни кўрсатди:

- AUC қиймати 0.95 бўлиб, Bethesda тизимининг жуда юқори диагностик аниқликка эга эканини тасдиқлайди.

- Тестнинг сезгирилиги (sensitivity) – 89.6%
- Махсуслиги (specificity) – 92.5%

Bethesda классификацияси, айниқса V ва VI категорияларда, хавфли ўсмаларни аниқлашда юқори сезгирилкка эга бўлиб, биопсия натижаларига таянилган ҳолда клиник қарор кабул қилишда ишончли асос бўлади.

Қалқонсимон без фолликуляр хосилаларни аниқлашда цитология ва радионуклид тасвирлаш усувлари аҳамиятли рол ўйнайди. Ушбу тадқиқотда Bethesda тизими сезгирилик (89.6%) ва махсуслик (92.5%) жиҳатдан юқори аниқликка эга эканлиги аниқланди. ROC-анализда AUC қиймати

0.95 бўлиб, ушбу тизимнинг юқори диагностик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Бу натижалар халқаро тадқиқотлар билан мос келади. Масалан, Cibas ва Ali томонидан берилган маълумотларга кўра, Bethesda тизимининг IV ва V тоифалари учун сезирлик 85–91% орасида бўлиши мумкин [9]. Шунингдек, Trimboli ва ҳаммуаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотда қалқонсимон без цитологияси билан боғлиқ AUC кўрсаткичлари 0.89–0.94 эканлиги қайд этилган [10]. Bongiovanni ва бошқаларнинг мета-таҳлилида ҳам Bethesda тизимида 91% сезирлик ва 77% маҳсуслик билан тавсифланган [16]. БФЭКТ/КТ усули сезирлик (81.3%) жиҳатдан муайян даражада самарали бўлса-да, маҳсуслик (61.5%) кўрсаткичи паст. Бу ҳолат Trimboli ва бошқаларнинг мета-таҳлилида ҳам қайд этилган — уларнинг маълумотларига кўра, БФЭКТ/КТ сезирлиги 75–85%, маҳсуслиги 55–68% атрофида [11]. Chen ва бошқаларнинг мета-таҳлилида ҳам ушбу усулнинг юқори ёлғон ижобий кўрсаткичлари қайд этилган, ва БФЭКТ/КТ факат аниқлаштирувчи усул сифатида тавсия этилган [13]. Йод транспорти билан боғлиқ биологик механизмларга кўра, фолликуляр хосилаларда на-трий-йод симпортери (NIS) экспрессияси кам бўлади. Бу ҳолат радиойод усулларнинг самара-дорлигини пасайтиради [12]. Gross (2002) томонидан таъкидланишича, тасвирлашнинг функционал усуллари (шу жумладан БФЭКТ/КТ) тўғри клиник контекстдагина аниқлик беради, акс ҳолда ёлғон ижобий ёки мантикий чалишувлар эҳтимоли ортиб кетади [18].

Қалқонсимон без тугунларини баҳолашда Bethesda ва EU-TIRADS/ACR TI-RADS тизимларини интеграция қилиш самарадорлиги юқори. Tessler ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган ACR TI-RADS тизимида сезирлик ва маҳсуслик мутаносиблиги оптималь даражада эканлиги кўрсатилган [14]. Haugen ва ҳаммуаллифлар томонидан нашр этилган 2015 йилги American Thyroid Association (ATA) йўриқномасида қалқонсимон без тугунрни комплекс баҳолаш (УТТ + цитология) тавсия килинган, бу бизнинг ёндашувимизга мос келади [15]. Bethesda тизими FNAC (fine-needle aspiration cytology) усули билан юқори мувофиқликда ишлайди. Sharma ва Dey таъкидлаганидек, Bethesda асосида берилган ташхисларда цитология-гистология мос келиши 88–90% ни ташкил қилган [17].

Хулоса: Қалқонсимон без фолликуляр саратонини самарали ва аниқ ташхис қилиш — замонавий эндокринология ва ядровий тиббиётнинг долзарб масалаларидан биридир. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Bethesda цитологик таснифлаш тизими ўзининг юқори ишончлилиги билан ажralиб турди: сезирлик 89.6%, маҳсуслик 92.5%, ҳамда AUC 0.95 бўлиб, ушбу усулни

биринчи босқичдаги асосий скрининг ва ташхисловчи усул сифатида тавсия этиш мумкинлигини тасдиқлади. БФЭКТ/КТ усули эса ҳар қанча умумий ташхисий аниқлик жиҳатидан ундан камрок натижа кўрсатган бўлса-да (AUC – 0.71, сезирлик – 81.3%, маҳсуслик – 61.5%), унинг клиник амалиётдаги ўзига хос ва муҳим ўрни мавжуд экани аён бўлди. Айниқса, ушбу усул орқали 5 нафар беморда тўш орти лимфаденопатияси, шунингдек, 22 нафар беморда суюк ва ўпкадаги метастазлар аниқланди. Бу ҳолат БФЭКТ/КТни нафақат ташхис, балки беморнинг касаллик дараҷаси, метастатик фаоллик ва шикастланиш кўламини баҳолашда ҳам муҳим восита сифатида тан олишга асос бўлади. Шу тариқа, олинган натижалар асосида фолликуляр саратонни аниқлашда Bethesda тизими ва қалқонсимон без УТТ (EU-TIRADS) биргаликда қўллаш орқали юқори аниқликка эришиш мумкин. БФЭКТ/КТ эса тарқалган метастазлар ҳолатларни аниқлаш, даволаш тактикаси ва онкологик босқичларни белгилашда зарур бўлган қўшимча аниқлаштирувчи усул сифатида қийматга эга. Қисқача айтганда, ҳар бир усулнинг ўз ўрни ва афзаллик томонлари мавжуд. Уларни тўғри танлаш ва оқилона бирлаштириш орқали ташхис жа-раёнини самарали ташкил этиш имкони яратида.

Адабиётлар:

- Pelizzo MR, Piotto A, Bernante P, Boschin IM, Toniato A, Pagetta C, Rubello D, Busnardo B. Differentiated thyroid cancer: therapeutic approaches and prognostic factors. *Cancer.* 2004;100(5):896–900/DOI: 10.1002/cncr.20081
- Ito Y, Miyauchi A. Prognostic factors and therapeutic strategies of thyroid carcinoma. *World J Endoc Surg.* 2010;2(1):1–7/DOI: 10.5005/jp-journals-10002-1023
- Baloch ZW, LiVolsi VA. Follicular-patterned lesions of the thyroid: the bane of the pathologist. *Am J Clin Pathol.* 2002;117(1):143–150/DOI: 10.1309/8VL9-ECXY-NVMX-2RQF
- Bongiovanni M, Spitale A, Faquin WC, Mazzucchelli L, Baloch ZW. The Bethesda System for Reporting Thyroid Cytopathology: a meta-analysis. *Acta Cytol.* 2012;56(4):333–339/DOI: 10.1159/000337291
- Oh JR, Song HC, Chong A, Min JJ, Kim J, Jeong SY, Lee DS, Chung JK. Additional value of single-photon emission computed tomography/computed tomography (SPECT/CT) in the diagnosis of recurrent thyroid cancer. *Ann Nucl Med.* 2012;26(7):551–557/DOI: 10.1007/s12149-012-0611-3
- Chung JK. The role of nuclear medicine in thyroid cancer: a Korean perspective. *Nucl Med Mol Imaging.* 2012;36(3):183–190/DOI: 10.1007/s12149-012-0611-3

- Imaging. 2010;44(4):220–228/DOI: 10.1007/s13139-010-0044-y
7. Sisson JC, Freitas JE, McDougall IR, et al. Radiation safety in the treatment of patients with thyroid diseases by radioiodine 131I: practice recommendations of the American Thyroid Association/Thyroid. 2011;21(4):335–346/DOI: 10.1089/thy.2010.0403
8. Zilioli V, Peli A, Panarotto MB, et al. Differentiated thyroid carcinoma: Incremental diagnostic value of 131I SPECT/CT over planar whole body scan after radioiodine therapy/Endocrine. 2017;56(3):551–559/DOI: 10.1007/s12020-016-1086-3
9. Cibas, E. S., & Ali, S. Z. (2017). The Bethesda System for Reporting Thyroid Cytopathology. *Thyroid*, 27(11), 1341–1346. <https://doi.org/10.1089/thy.2017.0500>
10. Trimboli, P., Treglia, G., Guidobaldi, L., et al. (2015). The Use of Cytology and Ultrasound in the Management of Thyroid Nodules. *Endocrine*, 49(3), 709–713. <https://doi.org/10.1007/s12020-015-0542-0>
11. Trimboli, P., Castellana, M., Piccardo, A., et al. (2021). Evidence-based appraisal on hybrid SPECT/CT for thyroid cancer: a systematic review. *Endocrine*, 72(1), 1–9. <https://doi.org/10.1007/s12020-021-02682-5>
12. Jhiang, S. M., Liu, M., & Wu, S. Y. (2019). Radioiodine uptake and differentiation of thyroid cancer cells. *Endocrine-Related Cancer*, 26(3), R153–R164. <https://doi.org/10.1530/ERC-18-0441>
13. Chen, L., Luo, Q., Shen, Y., et al. (2016). Diagnostic value of SPECT/CT in patients with thyroid nodules: a meta-analysis. *Clinical Nuclear Medicine*, 41(3), 201–207. <https://doi.org/10.1097/RNU.0000000000001072>
14. Tessler, F. N., Middleton, W. D., Grant, E. G., et al. (2017). ACR TI-RADS: an ultrasound reporting system for thyroid nodules. *Radiology*, 287(1), 29–36. <https://doi.org/10.1148/radiol.2017161659>
15. Haugen, B. R., Alexander, E. K., Bible, K. C., et al. (2016). 2015 ATA Management Guidelines for Adult Patients with Thyroid Nodules and Differentiated Thyroid Cancer. *Thyroid*, 26(1), 1–133. <https://doi.org/10.1089/thy.2015.0020>
16. Bongiovanni, M., Spitale, A., Faquin, W. C., et al. (2012). The Bethesda System for Reporting Thyroid Cytopathology: a meta-analysis. *Acta Cytologica*, 56(4), 333–339. <https://doi.org/10.1159/000337291>
17. Sharma, N., & Dey, P. (2018). Thyroid FNAC: A cyto-histological correlation and review of the literature. *Diagnostic Cytopathology*, 46(5), 394–401. <https://doi.org/10.1002/dc.23896>
18. Gross, M. D. (2002). Imaging of thyroid nodules and differential diagnosis. *Endocrinology and Metabolism Clinics*, 31(3), 501–520.

РОЛЬ ОДНОФОТОННОЙ ЭМИССИОННОЙ КОМПЬЮТЕРНОЙ ТОМОГРАФИИ В ДИАГНОСТИКЕ ФОЛЛИКУЛЯРНОГО РАКА ЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ

Нурмухамедов Д.Б., Хайдарова Ф.А.

Резюме. Проблема диагностики фолликулярного рака щитовидной железы остаётся актуальной задачей современной медицинской практики, поскольку данная форма опухоли клинически и цитологически во многом напоминает аденому, а её злокачественная природа часто подтверждается лишь при гистологическом исследовании. Радионуклидная диагностика, в частности однофотонная эмиссионная компьютерная томография (ОФЭКТ/КТ), рассматривается как перспективный метод для раннего и точного выявления фолликулярных новообразований. Метод позволяет оценить метаболическую активность, выявить функционально изменённые ткани и определить наличие регионарного распространения. В настоящем исследовании оценена эффективность метода ОФЭКТ/КТ в диагностике фолликулярного рака щитовидной железы на основе данных пациентов, обследованных в клинике РСНПМЦ Эндокринологии имени академика Е.Х. Туракулова в период 2021–2022 гг. Проведён сравнительный анализ чувствительности, точности и клинической значимости данного метода в сопоставлении с ультразвуковым исследованием (УЗИ), тонкоигольной аспирационной биопсией (ТАБ) и гистологической верификацией.

Ключевые слова: фолликулярный рак щитовидной железы; однофотонная эмиссионная компьютерная томография (ОФЭКТ/КТ), радионуклидная диагностика, узловый зоб, гистологическое заключение, ультразвуковое исследование (УЗИ), тонкоигольная аспирационная биопсия (ТАБ).